


IX. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ


2021 йилнинг январь-март ойларида, вилоятнинг чакана савдо товар айланмаси 3998,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 3,0 фоизга ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 887,7 млрд. сўмни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 3111,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Худудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажми, млрд. сўм



Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Самарқанд шаҳри 40,5 %, Ургут тумани 9,6 %, Каттақўрғон шаҳри 7,1 %, Пастдарғом тумани 5,6 %, Пайарик тумани 4,0%, Булунғур тумани 3,9 %, Самарқанд тумани 3,8 %, Жомбой тумани 3,5 %, Иштихон тумани 3,3 % ва Нарпай тумани 3,0 % чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Чакана савдо товар айланмасида шаҳар ва туманларнинг улуши, % да




Вилоятда аҳоли жон бошига 2021 йил январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси 1 011,1 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 % га қўпайди. Асосан аҳоли жон бошига энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд шаҳри (2 927,4 минг сўм), Каттақўрғон шаҳри (3 145,7 минг сўм) ва Булунғур туманларида (819,3 минг сўм) кузатилди.

Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси

	<i>Ҳажми, минг сўмда</i>	<i>Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да</i>
Вилоят бўйича	1 011,1	101,1
Самарқанд ш.	2 927,4	106,7
Каттақўрғон ш.	3 145,7	99,3
туманлар:		
Булунғур	819,3	97,5
Жомбой	784,6	98,1
Иштихон	508,8	93,6
Каттақўрғон	613,9	96,9
Нарпай	551,5	97,0
Нуробод	577,8	98,9
Оқдарё	663,5	98,6
Пайарик	628,3	99,1
Пастдарғом	625,4	98,9
Пахтачи	532,5	98,7
Самарқанд	590,0	99,0
Ургут	738,4	97,6
Тойлоқ	515,9	99,8
Қўшработ	587,4	98,5

Вилоятнинг барча ҳудудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари кузатилиб, ўтган йилга нисбатан юқори ўсиш суръати Самарқанд шаҳрида қайд этилди.


Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, % да



Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик савдо корхоналарнинг ҳажми 887,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 138,3 % ни ташкил қилди ва умумий савдо ҳажмининг 22,2 фоизини ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 3 111,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,0 % га камайди. Вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 77,8 % га тенг келмоқда.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, % да




Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	<i>Хажми, млрд. сўм</i>	<i>2020 йилга нисбатан, % да</i>	<i>Яқунга нисбатан, % да</i>
Жами	3 998,9	103,0	100
<i>шу жумладан:</i>			
давлат мулки	0,3	51,4	0,01
нодавлат мулки	3 998,6	109,1	99,99

2021 йил январь-март ойларида чакана савдо айланмаси таркиби

	<i>Хажми, млрд. сўм</i>	<i>2020 йилга нисбатан, % да</i>	<i>Яқунга нисбатан, % да</i>
Чакана товар айланмаси	3 998,9	103,0	100
<i>шу жумладан:</i>			
Йирик корхоналар	887,7	138,3	22,2
Кичик ва микрофирмалар	1 007,4	93,7	25,2
Норасмий сектор	2 103,8	97,1	52,6

Чакана савдо таркиби, % да



Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 100,7 млрд. сўмни ёки 2020 йил январь-март ойларига нисбатан 105,1 фоизни ташкил этди.